



КИШЛОҚ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ
1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЖАЭТИ



МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ 1997 йил 25 апрель. ЖУМА № 33 (5.806). Сотувда эркин нархда



БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 24 апрель кунини Тошкентда иш бошлади. Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президентини Исрол Каримов иштирок этмоқда. Мажлис залда Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, эътибор, хорижий давлатлар дипломатия корпусли ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, хорижий ва республика оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлди. Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқармоқда. Сессия иштирокчилари иш бошлагандан олдин Олий Мажлис депутати А. Холмуродов хотирасини

бир дақиқа сукут сақлаб эслади. Сессиянинг ишчи органи — котийиб тузилди, кун тартиби тасдиқланди. Парламент ўз ишнини кун тартибидagi дастлабки икки масалани — Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари буйича вакили тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳамда Олий Мажлис инсон ҳуқуқлари буйича вакилининг 1996 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқишдан бошлади. Шу масалалар юзасидан Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари буйича вакили С. Рашидова маъруза қилди. Қонун лойиҳаси ва ҳисобот юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурлига стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг директори М. Раҳмонқуллов, Республика Хотин-қизлар кумитасининг Раиси, Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Д. Фуломов, Халқ-де-

мократик партияси Андижон вилоят кенгашининг биринчи котийиб Р. Мухторов, Навоий шаҳри ҳокими Б. Ҳамламов, Янгибоддаги «Восток» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Г. Сидиков, Нукус тумани ҳокими У. Хужаназаров сузга чиқди. Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентини Исрол Каримов сузга чиқди. Парламент қонунни қабул қилди ва Олий Мажлис инсон ҳуқуқлари буйича вакилининг 1996 йилдаги фаолиятини маъқуллади. Иқтисодий ислохотлар ва талбиркорликни ривожлантириш кумитаси раиси А. Йулдошев божнона кодекси ва бож тарифи тўғрисидаги қонун лойиҳалари ҳақида маъруза қилди. Мухомада Навоий вилоят нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонасининг директори У. Рузиқуллов,

Тошкент тумани ҳокими А. Йулчиев, «Шуртангаз» газ қондилари бошқармаси бошлиғи А. Абдуназаров, «Ўзбекистон темир йуллари» давлат акционерлик компанияси Фарғона бўлимининг бошлиғи М. Мирҳамзаев, Сирдарё вилоятидаги «Урта Осиё» корпорацияси бошқаруви раиси Ф. Фозилов, Жомбой тумани ҳокими К. Исроилов иштирок этди. Парламент иккала лойиҳани биринчи ўқишда маъқуллади. Сунгра депутатлар солиқ кодекси лойиҳаси (иккинчи ўқиш) тўғрисида бюджет, банк ва молия масалалари кумитаси раиси А. Аҳадовнинг маърузасини тингладилар. Лойиҳа юзасидан Ховос тумани ҳокими Р. Турдиев, «Интер-Осиё» корпорациясининг иқтисодий ва ишлаб чиқариш буйича маслаҳатчиси К. Йулдошев, Туртқул туманидаги «Шураҳон» ширкатлар

уюшмасининг раиси А. Абдукаримов, Қашқадарё вилояти «Нуроний» фабрикалар кенгашининг раиси С. Усмонов сузга чиқди. Депутатлар солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар. Парламент аъзолари табиий монополиялар ҳақидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқишга киришдилар. Бу масала юзасидан иқтисодий ислохотлар ва талбиркорликни ривожлантириш буйича кумита раиси ўринбосари Т. Файзуллаев маъруза қилди. «Ўзнефгаз» миллий корпорациясининг «Ўзнефгаз-МПЛЕКТ» бирлашмаси бош директори ўринбосари М. Вакилов, Ўйчи туманидаги «Ипакчи» акциядорлик жамияти раиси Т. Сатторов, «Ўзбекистон темир йуллари» давлат акциядорлик компанияси Оролбўйи бўлими бошлиғи Т. Темирбоев, Сурхондарё вилояти Сарюсиё тумани ҳо-

кими К. Холдоронинг чиқишларидан сунг қонун қабул қилинди. Кечки мажлисла депутатлар ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги ҳамда журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар. Бу қонун лойиҳалари юзасидан матбуот ва ахборот қўмитаси раиси У. Хошимов маъруза қилди. Бу ҳужжатларни муҳомада қилишда Урганч тумани ҳокими К. Нуниезов, Халқ-демократик партияси Шахрихон тумани кенгашининг биринчи котийиб М. Отабоев, Учқўرғон туманидаги 20-мактаб директори Х. Қурбоналиев, Қарши шаҳри ҳокими Ш. Бегматов, «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази раҳбарининг ўринбосари, «Тафаккур» журнали Бош муҳаррири Э. Аъзамов, Самарқанд тумани ҳокими Р. Ҳасимова, Урганч давлат университети ректори А. Саъдуллаев қатнашдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентини Исрол Каримов сузга чиқди. Лойиҳа юзасидан муҳомада этилаётган қонунлар Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда улкан аҳамиятга эга экани, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичда журналистлар, оммавий ахборот воситаларининг туғган ўрни ва вазифалари тўғрисида батафсил тўхталди. Парламент бу қонунларни қабул қилди. Иқтисодий ислохотлар ва талбиркорликни ривожлантириш кумитаси раиси А. Йулдошев маърузаси буйича товар ишлаб чиқарувчилар ва талбиркорлар палатаси ҳақидаги қонун қабул қилинди. Бу қонун муҳомада Бука тумани ҳокими Р. Обидов, Қува мебель акциядорлик жамияти бошқаруви раиси М. Исмоилов, Пастларғом тумани ҳокими Ш. Исанов, Сурхондарё вилоят савдо-тайёрлов уюшмаси раиси Х. Қилиев иштирок этди. Депутатлар фуқаролик-процессуал кодекси лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар. Лойиҳа юзасидан қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кумитаси раисининг ўринбосари Ф. Муҳиддинов маъруза қилди. Бу масала буйича муҳомада Избоскан тумани ҳокими С. Бегалиев, Урганч тумани Ҳамза номидаги агробошқарма раиси Э. Отамуродов, Тўрақўрғон тумани ҳокими О. Исмагулова, Хонқа тумани ҳокими И. Бобожонов сузга чиқди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўз ишнини давом эттирмоқда. (ЎЗА).

Н.МУҲАММАДЖОНОВ ва **А.ТЎРАЕВ** (ЎЗА) олган суратлар.

АНДИЖОН — ЎШ — ҚАШҚАР ТЕМИР ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ ВА АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИНИНГ ҚАЙТА ҚУРИЛИШИ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО КЕНГАШ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ТАБРИКНОМА

Мухтарам кенгаш қатнашчилари! Сизларни Ўзбекистон пойтахти — Тошкентда самимий қутлайман. Мазкур анжуман БМТ тараққиёт дастури — савдо ва тараққиёт конференцияси қўмитаси, қўшма мамлакатлар ва бир қанча халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилган Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш дастурининг ажратмас қисми ҳисобланади. Назаримда, кенгашнинг асосий мақсади бу тўғрисида амалга оширишда ҳамкорлик қилиш йўлиларини қийратиш ибрат. Халқаро ва минтақавий ташкилотларини ҳам қўшган ҳолда барча манфаатдор томонларнинг сий-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлиги шуни таъкидлаш эди. Марказий Осиё учун долзарб бўлган мамлакатлараро юк ташин муаммоларига йирик миқёсдаги иқтисодий узагиришларнинг узвий бир бўлиги, деб қарамоқ лозим. Чунки, замонавий, ривожланган транспорт инфратузилмасисиз давлатларимиз салохиятидан тула фойдаланиб бўлмайдимиз. Европа ва Осиё уртасида қитъалараро кўприкнинг барпо этилиши умумий иқтисодий тараққиёт ва минтақа аҳолисининг фаровонлигига эришишда муҳим ўрин эгаллашга ишончим комил. Андижон — Ўш — Қашқар автомобиль йўлини қайта қуриш ва бу йўналишда темир йўл қуриш буйича уч томонлама лойиҳанинг амалга оширилиши жаҳондаги иқтисодий марказлар билан узаро ҳамкорлик қилишнинг янги имкониятларини очиб беради. Транспорт йўллари ривожлантиришнинг бу йўналиши ушбу анжуманда иштирок этган ҳамда минтақавий ва жаҳон савдо-иқтисодий, маданий ва технология интeгpациясига қўшилишга интилаётган барча давлатларнинг туб манфаатларига мос эканига аминман. Бу нуфузли анжуман уч томонлама «Андижон — Ўш — Қашқар» лойиҳаси иштирокчилари бўлган давлатлар ҳамда барча манфаатдор томонларнинг сий-ҳаракатларини янги куч бағишлашга, деб умид қиламан. Кенгаш иштирокчиларига ишлари самарали бўлишини тилайман.

Исрол КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
Т. А. Мамажоновни Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги фавқуллода ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида
Тоҳиржон Абилович Мамажонов Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги фавқуллода ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри 1997 йил 24 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
Т. А. Мамажоновга биринчи даражали фавқуллода ва мухтор вакил дипломатик мартабасини бериш тўғрисида
Тоҳиржон Абилович Мамажоновга биринчи даражали фавқуллода ва мухтор вакил дипломатик мартабаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри 1997 йил 24 апрель

Республикада чигит экиш хал қилувчи талаб кирди. Бошқача қилиб айтганда, шу йил 23 апрелдаги экиштиш лозим бўлган 4 миллион 500 минг гектар пахта майдонининг 1 миллион 122,5 минг гектарига баракча уруғи тушиди. Бу — умумий экиладиган майдоннинг 74,8 фоизини ташкил этади. Агар қўнмага 84 минг 211 гектар ерга чигит қалдаётганини ҳисобга олсак, яна уч-тўрт кун ичида мавсум тугаланиши керак. Лекин баъзи вилоятларнинг республика курсаткичидан анча орқда қолиб кетаётганлиги ташвишли ҳол. Хўш, нега шундай бўлаётти?

— Асосий сабаб жойларда экиш мавсумига ўз вақтида пахта ҳозирлик қилинмаганлиги, — дея изоҳ беради Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг пахтачилик бошқармаси бошлиғи Абдураҳмад Муборакوف. — Яъни ҳозирги кунга келиб қўнма уруғи ерга, техника вақтида тайёрланмаганлиги билан бўлди. Вилоятларнинг узлари тузган жалвал буйича 20 апрель кунин республикада чигит экиш тугаланиши лозим эди. Лекин кўриб турганимиздек, кўпчилик бунинг улдасидан чиқа олмади. Турти, апрелнинг биринчи ва иккинчи ун кунликлариде эмгир қўн бўлди. Шунинг учун ҳам чигит экиш анча орқда суриди. Бирок, бу

МАВСУМ ЖАДАЛЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Масалан, пахтанинг пишиб етилиши учун 1800 даража керак бўлади. Бу ҳароратни йиғиш пахтани чигит экишни буйича республикада биринчи бўлиб тугаллашди. Улардан урناق ослетган Наманган вилояти пахтакорлари ҳам маррага яқинлашай деб қолишди. Айни кунларга келиб улар 89,3 минг гектар ерга чигит экиб, режани 91 фоиздан оширдилар. Фарғона дехқонлари эса бу борадаги режани 92,5 фоизга етказишди.

Лекин қашқадарликлар ҳамон утган йилги курсаткичдан орқалар. Улар мавсумда 173 минг гектар ерга чигит экишни керак эди. Аммо бугунгача бу рақам 102,8 минг гектар бўлиб, режа 59,4 фоизга бажарилиди. Бунда техника ва ернинг ўз вақтида тайёр бўлмаганлиги наф берди. Масалан, 23 апрель кунин мавсумда 2780 та агрегатдан бор-йўғи 1263 таси экишда қатнашди. Самарқанд вилояти пахтакорлари утган йилнинг шу даврида чигит экишни 91,1 фоизга етказгандилар. Бу йил эса бу рақам 69,1 фоизни ташкил қилди.

Бу йил республиканинг қариб ҳамма вилоятларида Андижон технологияси асосида пленка остига чигит экиш қўлланилмоқда. Бунинг аҳамияти катта.

Масалан, пахтанинг пишиб етилиши учун 1800 даража керак бўлади. Бу ҳароратни йиғиш пахтани чигит экишни буйича республикада биринчи бўлиб тугаллашди. Улардан урناق ослетган Наманган вилояти пахтакорлари ҳам маррага яқинлашай деб қолишди. Айни кунларга келиб улар 89,3 минг гектар ерга чигит экиб, режани 91 фоиздан оширдилар. Фарғона дехқонлари эса бу борадаги режани 92,5 фоизга етказишди.

Лекин қашқадарликлар ҳамон утган йилги курсаткичдан орқалар. Улар мавсумда 173 минг гектар ерга чигит экишни керак эди. Аммо бугунгача бу рақам 102,8 минг гектар бўлиб, режа 59,4 фоизга бажарилиди. Бунда техника ва ернинг ўз вақтида тайёр бўлмаганлиги наф берди. Масалан, 23 апрель кунин мавсумда 2780 та агрегатдан бор-йўғи 1263 таси экишда қатнашди. Самарқанд вилояти пахтакорлари утган йилнинг шу даврида чигит экишни 91,1 фоизга етказгандилар. Бу йил эса бу рақам 69,1 фоизни ташкил қилди.

Бу йил республиканинг қариб ҳамма вилоятларида Андижон технологияси асосида пленка остига чигит экиш қўлланилмоқда. Бунинг аҳамияти катта.

уруғ қадаб, бу борадаги режани 106 фоизга бажаришди. Тапаб-бухор андижонликлар бу усулда чигит экишни кенгайтириб, режалар ташқари 700 гектар майдонга чигит ташладилар. Лекин Самарқанд, Қашқадарё, Сирдарё, Хоразм вилоятлари қолдиқликка йўл қўймоқдалар. Мисол учун Самарқанд вилоятининг пленка остига чигит экиш режаси 20 минг гектар бўлгани ҳолда ҳозирги кунгача бор-йўғи 6,1 минг гектарга уруғ қалган. Навоий вилоятида эса режа 46,7 фоизга энди етди. Сирдарё вилоятида бу борадаги ишлар ҳеч қандай танқидни кутаролмайди. Чунки вилоят дехқонлари бу йил 5 минг гектар ерга пленка остига чигит экишни муважжаллашгани ҳолда, шунинг 2 минг гектаригагина уруғ тушиди. Шунга қарамадан 22 апрелда вилоят буйича 21 гектаргина чигит экилди. Сабаби шу кунин 100 та пленка остига экиш агрегатидан 17 тасигина қатнашиб, ҳар бирининг умумдорлиги 1, 2 гектарга зўра етди...

23 февралда келиб республикада экилган пахта майдонининг 118 минг гектарига чигит тулдик унинг чигити. Шунинг учун

чигит экиш билан бир вақтнинг узида унинг чиққанларини янага қилиш, унга ишлов беришни амалга ошириш мумкин. Айни чоғда Андижон, Наманган, Фарғона ва бошқа вилоятларда бу борада ишлар олиб борилмоқда. Масалан, Андижонда кунинга 2336 гектар ер култивация қилинмоқда. Фарғонада эса шу кунгача 7,1 минг гектар унинг чиққан пахта майдонини механизация ердамида қайта ишлаб олиш бўлиди. Республика буйича 20 минг гектарда култивация утказилди. Бирок по-маълум сабабларга қура талайгина жойларда чигит унинг чиққан майдонлар култивация қилинмаган.

Шу кунларда тулдик қучат олинган майдонларни ҳашаротлардан сақлаш ҳам долзарб вазифалардан бири. Айниқса Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм вилоятларида кўп йиллардан бери зарар келтираётган чигиткага қарши курашиш шу буғуноқлар бошлиқ керак. Республикада мавсум билан биологатория ва биофабрикалардан унумли фойдаланиш, мақсадли музофиқ бўлув эди. Чунки бу захарли моддаларни қўллаш кескин камийтириш билан бирга унга сарфлангандин катта маблағни тежайди.

Ю.ФУЛОМОВ.

Матбуот сузининг таъсири ЖАВОБГАРЛАР ТОПИЛДИ

Сўнги йилларда айрим вилоят, туман ва хўжалиқларда чорвачиликни ривожлантиришга етарли эътибор берилмапти. Озуқа етиштиришга совуқ-қонлик билан қаралмоқда. Ем-ҳашак етиштириш учун унумсиз ерлар ажаратилмоқда. Натижасида озуқа етишмаслиги оқибатида чорва қировли-қишда оғир аҳолига тушиб қолмоқда.

«Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг 1997 йил 21 феврал сониде чоп этилган «Харом ўлган сизларга жавобгар борми?» сарлавҳали танқидий мақолада Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги «Мурод», «Қаҳрамон» фермаларида ва Сегизбоев номи хўжалиқда қишлоғга мутлақо тайёрғариксиз киришиши натижасида сизлар харом ўлганлиги таъкид қилинган эди.

Кунин кеча тахририят ушбу танқидий мақолага Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи муовини Т. Мирёубовдан жавоб хати олди. Уни тахрирсиз эътиборинизга ҳавола этамиз.

Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи муовини Т. Мирёубовдан жавоб хати олди. Уни тахрирсиз эътиборинизга ҳавола этамиз.

қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси чорва мутахассислари — бош зоотехниги В. А. Лир ва ветеринария врачини В. А. Мирзакаримовлар қаттиқ оғохлан-тирилдилар. Туманда чорвачилик махсулотлари етиштиришни қўйиштириш, чорвачиликни мустаҳкам эм-ҳашак базиси билан таъминлаш, айниқса, мол бош сонини қўйиштириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқишди, у амалга оширилмоқда. Мол бош сонини камийтиришга кескин чек қўйиш, уларнинг чиқимида йўл қўймағлик, айниқса, сизилар бош сонини камийтирмаслик, давлошти ишлари учун фермаларни етарли дори-дармонлар билан таъминлаш чораларини қўриш тегишли раҳбарлар ва мутахассислар зиммасига оқилтиди. Қорамоллар зотини яқши-лаш чоралари қўрилиб, ҳар 100 бош сизилар туман буйича бу йил 80-85 тдан бузюқ оғил ишлари йўлга қўйилмоқда. Чорвачиликнинг асоси бўлиши эм-ҳашак базисини мустаҳкамлаш, озуқа экин-лари етиштиришни қўйиштириш мақсадида ер серунум ерлар улар учун ажратилди. Ҳозир эм-ҳашак уришни техника билан таъминлаш ишлари изчил олиб борилмоқда.

Т. МИРЁУБОВ,
Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи муовини.

Хушхабарлар


АҲОЛИ ИСТАКЛАРИ АМАЛГА ОШДИ

Анджеон вилояти Қўрғонтепа туманидаги «Савай» қишлоқ хўжалик ва саноат бирлашмасига қарашли энг олдиде жойлашган Бўстон қишлоғида уч ой ичида қуриб битказилган янги қишлоқ шифохонаси дастлабки беморларни қабул қилди.

«БУХОРОИ ШАРИФ» НОМИ БИЛАН

БУХОРО тарихини ўрганиш «Амир Темуր» халқаро илмий экспедицияси мазкур шаҳарнинг 2500 йиллиги муносабати билан «Бухорои Шариф» видеофильмини яратиб қиришти.

Қоҳира. Коинот сирларига бағишланган анжуманда навбатдаги маърузадан сунг танаффус эълон қилинди. Бино саҳнида гурунлашиб турган америкалик астранавт қуққисдан ранг-кути учиб, ҳамроҳларидан сурди: — Бу қандай овоз? — Азон овози. Номозга қақиршатиёт.



Инсоннинг ширин-шакар мевалари — фарзандларидир. Фарзанди бор ҳар қандай одамнинг ҳаёти абадий давом этaveraди. Яққабог туманидаги Амир Темуր жамоа хўжалиғида яшовчи 78 баҳорини қаршилаган Эшпулат Бердиев ҳам ўз бахтини Тангри нигмон этган 7 нафар ўғил ва қизлари жамолида қўради. У зўқ йиллар деҳқончилик билан шуғулланиб, жамоа хўжалиғининг равнақи учун сидқиқидилдан меҳнат қилди.

НИЯТЛАРИ — УЧ АСРНИ КЎРИШ

Баҳмал адиқларини қоқ иккита бўлиб оқалган Сангзор даресининг шуноққина чап соҳилида Сарой қишлоғи жойлашган. Табиати қурқам бу заминда меҳнатсевар, илбилармон, талбирқорлар яшаплади. Бу еринг эзи салқин, қиши илиқ келлади. Атрофи боғ-роғ, ҳадисиз галлазорлар билан уралган гузал масканда 1897 йилда туғилиб, юз билан юзлашган икки асрлик воқеаларга гувоҳ булган нуруний, пири бадавлат Яхе ота истиқомат қилди.

Жўртлаймиз?

Қадри Абдуваҳоб Йўлдошев! Таваллуд топган кунингизга олтинчи йил тулиши муносабати билан Сиз раҳбарлик қилаётган республика марказий наслчилик корхонаси, Ўзбекистон чорва наслчилиги бирлашмаси, шу тармоқдаги бош Давлат инспекцияси жамоалари, қишлоқ хўжалиғи соҳаси олимлари, барча дусту қадрлонларингиз номидан йўлланганда ушбу самийни табриқнома ни қабул этинг.



Турдибой СОЙИНАЗАРОВ, Иброҳимжон УЗОКОВ.

АМЕРИКАДА МУСУЛМОНЛАР КЎПАЙИШМОҚДАМИ?

қараганда, улар Шимолғи Америкага 1600 йилдан ҳам олдин кўчиб келишган. Бу ҳам аслини олганда, Американинг очилиши турисидати испан фарзининг узиға хос куриниши, деб айтиш мўмкин. Бизга яна шу нарсалар маълумки, Африкадан Қўшма Штатларга қўл қандайдил келтирилган бандилар ҳам муслмон эдилар, фақат давр ва мажбурият тақозосига қурағиза кейинроқ нарсонийлик ни қабул қилганлар. Уларнинг айримлари эса то йитирманчи аср бошларига қадар ўз эътиқолларида қолганлар ва узиқларини сақлаб қолиш учун овлоқроқ жой — ҳозирги Жоржия штатида утқоқлашга ҳаракат қилганлар.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ Тахрир ҳайъати: Маркес ЖУМАНИЕЗОВ, Расулмат ХУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЕВ, Сиддиқжон МУХАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир уринбожар), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОҒУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУХАМЕДОВ.

САВР КИРДИ — ДАВР КИРДИ

21 апрелдан бошлаб ҳамал ўрнини савр олди. Мазкур ой авжи баҳор палласи, демак жаммики экинлар дов-дарактларнинг турқирали, жондорларнинг япилаб, униб-уриниш даври бўлиши билан узиға хоски, буларнинг бари азалий бододеҳқоннинг: «Савр кирди — давр кирди» деган ҳикматида ниҳоят даражада муқтасару чексиз қаровли тарзда баён этилгандир.

САВРА ОЧИЛАР ТОғЛАР ДОЛАСИ, МЕҳНАТДА БИЛИНАР ОДАМ БОЛАСИ.

Гулдан гулга гужғон қўнар болари, Ниққан нектарлари асал — бол бари. Эр текиси — ҳосил тўқисни. Ниҳоллар тугал — ҳосил тугар. Савр осмонини тўлдирган қушлар парвози ҳам бу пайтда одамлар дилида азиз туйғуларни уйғотди.

«Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси жамоаси «Анджеонпахтасаноатсотиш» бирлашмаси раисининг муовини Бўрибой АҲМАДАЛИЕВнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия ихзор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлиғи

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ РЕСПУБЛИКА УЗБЕК-ТУРК ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ

1997-1998 ўқув йили учун ўқувчилар қабулини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лицей 1996-1997 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг вилоятлардаги мактабларида 6 ва 8-синфларни барча фанлардан «яқши» ва «аъло» баҳоларга битказилган ўқувчиларни билан ва қобилият буйича утқазилган тест синовлари асосида қабул қилади.

ХЎЖАЛИК, КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ХИСОБЧИЛАРИ ЭЪТИБОРИГА

Table with 3 columns: Series (серияси), Account Number (№), and Amount (сўмлик). Lists various accounts and their corresponding amounts.